

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Шаҳрисабз шаҳри

2024 йил 4 январь

Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий суди судьяси Б.Холманов раислигида, судья ёрдамчиси Р.Остоновнинг котиблигида аризачи Шаҳрисабз тумани солиқ инспекциясининг қарздор ██████████ фермер хўжалигини соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили ██████████ (2024 йил 4 январдаги 25-00017-сонли ишончнома асосида) (жавобгар иштирокисиз)лар иштирокида суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи Шаҳрисабз тумани солиқ инспекцияси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздор ██████████ фермер хўжалигини (бундан буён матнда қарздор деб юритилади)ни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили тушунтириш бериб, жавобгарнинг бюджет олдида қарздорилиги мавжудлигини, солиқ қарзини ундириш бўйича кўрилган чоралар натижа бермаганлигини баён қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси тайинланган кун ва вақти ҳақидаги ажрим нусхасини жавобгар олган бўлсада, суд муҳокамасида иштирок этмади.

Мазкур ҳолатда суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда – ИПК деб юритилади)нинг 128, 170-моддаларига асосан ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд аризачининг тушинтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани тўлиқ қаноатлантиришни ва суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топди.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлар ва суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, қарздорнинг 2023 йил 7 декабрь ҳолатида солиқ ва бошқа мажбурий йиғимлардан қарзи 16 291 611,45 сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ва Марказий банк томонидан амалиётга жорий этилган дастурий маълумотларига кўра, қарздорнинг ҳисоб варақасига қўйилган инкассо топшириқномалари асосида картотека (К-2) мавжудлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги (кейинги ўринда – Қонун деб юритилади)Қонуни 45-моддасининг иккинчи қисмига кўра, давлат солиқ хизмати органининг ҳамда бошқа ваколатли органнинг қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш

қўзғатиш ҳақидаги аризасига қонунчиликка мувофиқ солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар қўрилганлиги далиллари илова қилиниши керак.

Қарздорликни ундириш ҳақида кўрилган чоралар натижа бермаганлиги сабабли Мажбурий ижро бюроси Шаҳрисабз туман бўлимининг 2022 йил 23 сентябрдаги қарори билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан ижро ҳужжати ундирувчига ижро этилмасдан қайтарилган.

Қарздорликни ундириш ҳақида кўрилган чоралар натижа бермаган.

Шу сабабли, аризачи қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш ҳақида судга ариза билан мурожаат қилган.

Суд аризани тўлиқ асосли деб ҳисоблайди.

Чунки, Қонуннинг 5-моддасига кўра тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат:

вақтинча тўловга қобилиятсизлик - агар тегишли мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан уч ой ичида қардор томонидан бажарилмаган бўлса, шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса олти ой ичида бажарилмаса, судга мурожаат этиш санасида қардорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги;

доимий тўловга қобилиятсизлик - агар судга ариза бериш санасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида, агарда ариза йилнинг биринчи чорагида берилган бўлса, ўтган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қардорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетган бўлса.

Қонуннинг 141-моддасига асосан суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан:

қардорнинг мол-мулкани бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган ёки унинг мол-мулкани учинчи шахсларга фойдаланиш учун топширишга сабаб бўлувчи битимлар тузишга фақат ушбу бобда белгиланган тартибда йўл қўйилади;

қардорнинг барча пул мажбуриятларини бажариш муддати, шунингдек кечиктирилган солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш муддати бошланган деб ҳисобланади;

қардорнинг барча турдаги қарзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади;

мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятлар юзасидан аввал ҳисобланган ва ундирилмаган пенялар ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилади;

қардор мол-мулкани сотишдан тушган маблағларнинг қарздорликни тўлашга йўналтирилган қисми қўшилган қиймат ва даромад солиғидан озод этилади;

қарздорнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотлар махфийлик тоифасига, шу жумладан тижорат сирига мансублигини йўқотади;

ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга доир барча чекловлар олиб ташланади;

ижро ҳужжатларини ижро этиш тугатилади. Пул мажбуриятлари, солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича барча талаблар, бошқа мулкый талаблар фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида қарздорга тақдим этилиши мумкин, бундан мулк ҳуқуқини эътироф этиш, маънавий зиённи компенсация қилиш, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек жорий тўловлар бўйича талаблар мустасно.

Тугатишга доир иш юритиш бошлангунига қадар қарздорнинг мажбуриятларини бажариш таъминоти сифатида берилган мол-мулкдан фойдаланишдан мазкур иш юритиш бошланганидан кейин олинadиган ҳосилга, маҳсулотга ва даромадларга нисбатан кредиторнинг ўз талабларини бажариш таъминоти сифатидаги ҳуқуқи татбиқ этилмайди.

Ижро этилиши ушбу модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисига мувофиқ тугатилган ижро ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ижрочилари томонидан тугатиш бошқарувчисига ўтказилиши лозим. Қарздорнинг барча мажбуриятларини бажаришга фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида йўл қўйилади.

Суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг бошқарув органи қарздорнинг мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, қарздор раҳбарининг ваколатлари тугатилади (қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тугатилади), қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисининг зиммасига юклатилади, шунингдек мулкдорнинг қарздор мол-мулкни бошқариш ва тасарруф этишга доир ваколатлари тугатилади. Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини тугатиш ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Қонуннинг 142-моддасига асосан, суд қарздорни банкрот деб топиш ҳақида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди.

Мазкур ҳолатда, суд Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан номзоди тақдим қилинган учинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга Соипов Фахриддин Жовлиевични қарздорнинг тугатиш бошқарувчиси этиб тайинлашни лозим топади.

Ушбу Қонуннинг 242-моддасини тўртинчи қисмида, тугатиш бошқарувчиси ўзига маълум бўлган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган

қарздорнинг банкротлиги ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади, улар хабарномани олган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини тақдим этиши мумкин.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида, тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкани аниқлаган тақдирда суд мазкур бошқарувчининг илтимосномасига кўра тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиб-таомилини тугатиш ҳамда тўловга қобилиятсизликнинг ушбу Қонунда назарда тутилган умумий тартибтаомилларига ўтиш ҳақида ажрим чиқариши мумкинлиги белгиланган.

Қонуннинг 51-моддаси иккинчи қисмига кўра, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, дарҳол ижро этилиши лозим. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси суд томонидан дарҳол қарздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) давлат ижрочисига юборилади.

ИПК 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ташкилотлар ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари миқдorida давлат божи ундирилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, суд аризани қаноатлантириб, қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топишни, тугатишга доир иш юритишни бошлашни ва суд тугатиш бошқарувчиси тайинлашни ҳамда суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 5, 45, 51, 140, 141, 242-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 170 176-179, 186-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Аризачи Шахрисабз тумани солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилсин.

Қарздор [REDACTED] фермер хўжалиги соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топилсин ва тугатишга доир иш юритиш бошлансин.

Қарздор [REDACTED] фермер хўжалигини суд тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.Соипов тайинлансин.

Суд тугатиш бошқарувчиси Ф.Соипов зиммасига қарздор тўловга қобилиятсиз деб топилганлиги ва тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги ҳақида расмий нашрда эълон бериш, тугатишга доир иш юритишни Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни асосида ташкил этиш ва ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2013 йилдаги 224-сонли “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб

келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги”ги Қарорига асосан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлаш ва хулосани судга тақдим этиш, шунингдек тугатиш жараёнида қарздор корхонанинг мол-мулки йўқлиги ҳақидаги маълумотларни тўлиқ аниқлаш ва бажарилган ишлар ҳақида ҳар ойда 1 (бир) марта Шаҳрисабз туманлараро иқтисодий судига ёзма оралиқ ҳисобот тақдим этиб бориш ҳамда тугатиш ишларини 2024 йил 4 апрелга қадар якунлаш вазифаси юклатилсин.

Қарздор ██████████ фермер хўжалигидан аризачи Шаҳрисабз тумани солиқ инспекцияси фойдасига 34 000 сўм почта харажати;

Республика бюджетига 1 020 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин ва ижро варақаси берилсин.

Аризачи Шаҳрисабз тумани солиқ инспекциясига қарздор ██████████ фермер хўжалиги раҳбари томонидан давлатга етказилган зарарни қарздор раҳбари ва унинг таъсисчиларидан субсидиар тартибда ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қашқадарё вилоят бошқармаси ва Мажбурий ижро бюроси Шаҳрисабз туман бўлимига юборилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтириш) мумкин.

Судья

Б.Холманов